

## PROBLEMS OF DEVELOPING CREATIVITY IN STUDENTS THROUGH LABOR EDUCATION

JA Khamidov

Is a teacher at the Department of Technological Education of ChDPI

### Abstract

As stated in the Law of the Republic of Uzbekistan "On Education and the National Training Program", the implementation of modern requirements is one of the main tasks of our country to improve the quality of education. At the same time, one of our main tasks is to fulfill the fourth item of the Strategy of Actions for 2017-2021 in the state program

Куйидаги вазифаларни олиб қарасак унда ўқувчиларни ҳар томонлама юксак қобилиятли қилиб тарбиялаш, унда меҳнат тарбиясининг ўрни ва роли алоҳида аҳамиятга эгадир. Мазкур тарбияни олиб бориш оила, маҳалла ва таълим муассасалари зиммасидаги асосий вазифалардан ҳисобланади. Меҳнат тарбиясини шакллантиришни ўқувчиларда олиб қарайдиган бўлсак, таълим муассасаларида айнан ўқитувчи томонидан уларни меҳнатсеварликка ўргатиш билан амалга ошади. Ўқувчилар томонидан бажарилаётган меҳнат машғулотини ҳар томонлама етарли тарзда ташкил этиш ўқитувчининг методикасига боғлиқдир. Методика ва педагогик технологияларни меҳнат дарсларида қўллаш ўқувчини фанга қизиқтиришга олиб келади. Ҳар бир фаолият сингари меҳнат фаолияти ҳам ўз ўрнида ташкил қилинган қизиқарли меҳнат машғулоти билан амалга ошади. Меҳнатни ташкил этиш мақсади қуйидагиларга асосланади;

1. Ташкил қилинаётган меҳнат машғулотини ўқувчилар ёшига мос тарзда ишлаб чиқиши;
2. Меҳнат машғулотини олиб борилишида ҳавфсизлик қоидаларига амал қилиш;
3. Машғулот учун етарли асбоб ускуналарни таъминлаш;
4. Машғулот давомида метод ва усулларни қўллаш тартиби;
5. Машғулот учун зарур йўриқнома мавжудлиги;
6. Яққа ва жамоа фаолияти тартиби;
7. Меҳнат тарбиясида рағбатлантириш ва чора-тадбирни амалга ошириш;

Яна шуни алоҳида таъкидлаб ўтишнинг ўрни жоиз, ўқувчиларга меҳнатнинг моҳиятини чуқур аниқлаш, уларда меҳнатга онгли муносабат, шунингдек, муайян ижтимоий-фойдали ҳаракат ёки касбий кўникма ва малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик фаолият жараёни ҳисобланиб, ижтимоий тарбиянинг зарур таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Энг асосийси меҳнат тарбиясини шундай ташкил этиш керакки, инсон меҳнат жараёни ва унинг натижасидан қаноатланишини таркиб топтиришга кўмаклашсин. Меҳнат тарбиясининг пировард мақсади шахс характерининг асосий хислати сифатида унинг меҳнатга бўлган эҳтиёжини шакллантиришдир. Ўқувчиларнинг ижтимоий ривожланишини таъминлашда меҳнат тарбияси муҳим шартлардан бири бўлиб ҳисобланади. Унинг амалга оширилиши давлат томонидан олиб борилаётган ижтимоий ва иқтисодий сиёсат мазмуни билан белгиланади.

Мазкур мақсадга эришиш йўлида қуйидаги вазифаларни ижобий ҳал этиш мақсадга мувофиқ:

- ёш авлодда меҳнат қилиш истагини қарор топтириш ва уларни замонавий ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида фаолият юритишга тайёрлаш;
- ўқувчиларда умумжамиат манфаати йўлида меҳнат қилиш эҳтиёжини ҳосил қилиш;
- ўқувчиларни меҳнат қилиш орқали ақлий қобилиятларини ривожлантириш;
- ўқувчиларнинг мавжуд билимларини узлуксиз равишда такомиллаштириб боришлари учун зарур шарт-шароитни яратиш;

Мазкур вазифалар тизимида ўқувчиларни меҳнатга психологик ва амалий жиҳатдан тайёрлаш уларнинг қизиқиш ва қобилиятларини аниқлаш орқали амалга оширилади. Меҳнат тарбияси ўқувчиларнинг ақлий, маънавий-ахлоқий жисмоний ва эстетик тарбияси билан ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизимда амалга оширилади. Мазкур тарбияни олиб боришда қуйидагилар назарда тутилади;

1. Ўқувчилар меҳнат тарбиясида ақлий тарбия, уларни касбга тайёрлашнинг асоси саналади. Зеро, меҳнат — назарий ва амалий билимларни эгаллашга ёрдам беради, билим эса ўз навбатида шахсни меҳнатга тайёрлашни такомиллаштиради. Меҳнат тарбиясининг самарадорлиги ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлаш жараёнида ҳар томонлама ривожланган шахсни тарбиялаш вазифаси билан белгиланади.

2. Меҳнат тарбияси эстетик тарбия билан мустаҳкам алоқа олиб боради. Меҳнат тарбияси мазмунига эстетик элементларни сингдириш асосида уни амалга ошириш ўқувчилар меҳнат тарбиясида катта аҳамият касб этади. Меҳнатда гўзаллик ва ўз меҳнатидан завқланиш унинг янада самарали кечишига ёрдам беради.

Юқоридагиларга асосланиб, ўқувчиларга меҳнат тарбиясини ташкил этишда қуйидаги мезон сифатида кўрсатиш мумкин:

- меҳнатнинг ижтимоий аҳамиятининг ўқувчилар томонидан тушунилиши;
- ўқувчиларнинг ихтиёрий равишда меҳнат қилишлари;
- ўқувчиларда меҳнат ва меҳнат жамоасига ҳурмат туйғуларини барқарорлиги;
- ўқувчиларни меҳнат фаолиятида жавобгарликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш;
- ўқувчиларнинг меҳнатга онгли муносабатда бўлишларига эришиш;

#### **Фойдаланилган адабиётлар:**

1. Ш.М.Мирзиёев “Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир”. Ўзбекистон-2018 йил
2. Каримов И.А. Баркамолавлод — Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.
3. Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа консерни, 1997.
4. Маҳкамов У. ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш
5. муаммолари. — Тошкент, Ўзбекистон, 1993.